

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил ноябрь ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья З.Нуриддиновнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Тоштемировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузоҳиров, судланувчи С.Ганиев ва унинг ҳимоячиси «OLMAZOR YURISTLARI» адвокатлик фирмаси адвокати К.Эргашев, фуқаровий даъвогар вакили П.Бойматовнинг иштирокида, Ганиев Сирожиддин Абдураззаковичга нисбатан 1-1008-2203/580-сонли жиноят иштини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ганиев Сирожиддин Абдураззакович (Ganiev Sirojiddin Abdurazzakovich), 02.10.1989 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали 6 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган:

- 1) жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 13.10.2014 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми ва 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59-моддаси тартибида 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, шу туман судининг 12.01.2017 йилдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан ўталмаган 5 ой 17 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 22.12.2017 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖК 59, 60-моддалари тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 12.09.2019 йилдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 4 ой 10 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 23.09.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;
- 4) жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 13.10.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон



Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан, ЖК 57, 59-моддаси 8-қисми тартибида 8 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Жарариқ 2-тор кўчаси, 19-уйда рўйхатда туриб, Жарариқ кўчаси, 21Б-уй, 16-хонадонда яшовчи, иш бўйича “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 23 сентябрь кунидан қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари, 228-моддасининг 3-қисми ва 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ганиев Сирожиддин Абдураззакович муқаддам фирибгарлик жиноятини ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятини содир қилганлиги учун судлангани ҳолда, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида қуйидаги жиноятларни содир этган.

2019 йил 09 январь куни бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, турмуш ўртоғи Ганиева Шахноза Назимджановна “SAN XUR” МЧЖда администратор лавозимида ишлаб, ҳар ойда 3.400.000 сўм миқдоридаги ойлик иш ҳақи олиши ҳамда йиллик маоши 40.800.000 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, банк ходимларини алдаб, банкдан Ш.Ганиеванинг номига 20.000.000 сўм миқдорида кредит олишга эришиб, кредит маблағларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

2019 йил 18 апрель куни бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, қайни синглиси Якубова Асала Назимджановна “BARAKA OMAD MARKET” МЧЖда бухгалтер-кассир бўлиб ишлаши ва йиллик маоши 33.600.000 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаган.

2019 йил 5 сентябрь куни бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Абдурахмонов Жамшид Пазлитдин ўғли “BARAKA OMAD MARKET” МЧЖда директор ўринбосари лавозимида ишлаши ва йиллик маоши 49.061.056 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, банк ходимларини алдаб, банкдан Ж.Абдурахмоновнинг номига 20.000.000 сўм миқдорида кредит олишга эришиб, кредит маблағларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.



2019 йил 12 декабрь куни бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, қайни акаси Якубов Санжар Назимджанович “OMAD GROUP” МЧЖда администратор лавозимида ишлаши ва йиллик маоши 38.652.957 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, банк ходимларини алдаб, банкдан С.Якубовнинг номига 20.000.000 сўм миқдорида кредит олишга эришиб, кредит маблағларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

2020 йил 16 январь куни бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Алимов Уткир Шакирджанович “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI O’ZSTANDART AGENTLIGI” да қабул бўлимида администратор ва счётчик рўйхатловчи лавозимида ишлаши ва йиллик маоши 34.869.800 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, банк ходимларини алдаб, банкдан У.Алимовнинг номига 22.000.000 сўм миқдорида кредит олишга эришиб, кредит маблағларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

2020 йил 31 январь куни бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, қайни акаси Якубов Нодир Назимджанович “OMAD GROUP” МЧЖда администратор лавозимида ишлаши ва йиллик маоши 34.869.800 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, банк ходимларини алдаб, банкдан Н.Якубовнинг номига 22.000.000 сўм миқдорида кредит олишга эришиб, кредит маблағларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи Ганиев Сирожиддин Абдураззакович, суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2017 йилда опаси Қосимова Хуршида билан шерикчилик асосида Олмазор тумани Фаробий кўчаси 1-Б-уйда “Нурафшон” меҳмонхонасини ташкил этганлиги, ушбу меҳмонхонанинг ҳужжатлари опаси Хуршиданинг номига очилган “San-Xur” МЧЖга расмийлаштирилган бўлганлиги, шу билан опаси Хуршида билан тахминан 2019 йилга қадар ишлаб келганлиги, 2018 йилнинг декабрь ойида Чилонзор тумани Кичик халқа йўли кўчаси 1-в-уйда жойлашган 3-қаватли бинонинг 2-3 қаватларини ижарага олганлиги, сўнг ўзи алоҳида ушбу бинога меҳмонхона очишни режалаштирганлиги ва турмуш ўртоғи Ганиева (Якубова) Шахнозанинг номига ООО “OMAD GROUP” фирмасини ташкил этганлиги, ушбу фирманинг директори турмуш ўртоғининг ўзи бўлганлиги, шу билан у 2019 йил январь ойдан ушбу ижара шартлари бўйича олинган бинода қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаганлиги, шу тариқа у 2019 йил апрель ойининг охирларига қадар ижарага олинган бинонинг 3-қавати таъмирлаш ишларини тугатганлиги, у ерда 5 та хона, 15 нафар ўринга эга бўлган “Замона” меҳмонхона ташкил этилганлиги, шу билан май ойдан бошлаб у ушбу “Замона” меҳмонхонани ишга туширганлиги ва октябрь ойига қадар ишлаганлиги, октябрь ойдан бошлаб 2-қаватини таъмирлашни бошлаганлиги, ўша вақтда у ушбу бино учун ҳар ойда 2.000 АҚШ доллари



миқдорида ижара берганлиги, шунинг учун кредит олиб бўлса ҳам бинонинг 2-қаватини таъмирлашни режалаштирганлиги ва 2019 йил октябрь ойидан бошлаб меҳмонхонанинг 2-қаватида таъмирлаш ишларини бошлаганлиги, у меҳмонхонада таъмирлаш ишларини бошлаган вақтида банкдан кредит олишни бошлаганлиги, 2019 йилнинг тахминан декабрь ойининг ўрталарида қайни акаси Якубов Санжарга турмуш ўртоғи Шахноза тадбиркорлик ишларига пул керак бўлаётганини айтиб, унинг номига кредит олишни сўраганлиги, сўнг Санжар ака “OMAD GROUP” МЧЖда администратор лавозимида ишлаши ҳақида маълумотнома тайёрлаб, маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, С.Якубов номига 20.000.000 сўм миқдорида кредит олишганлиги, кредит пулларида 5 млн сўмини С.Якубовга берганлиги, қолганини ўзи олганлиги ва меҳмонхонани таъмирлаш учун ишлатганлиги, шу тариқа турмуш ўртоғи Ганиева Шахноза Назимджановна “SAN XUR” МЧЖда администратор лавозимида ишлаб, ҳар ойда 3.400.000 сўм миқдоридаги ойлик иш ҳақи олиши ҳамда йиллик маоши 40.800.000 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, Ш.Ганиеванинг номига 20.000.000 сўм миқдорида кредит олганлиги, қайни синглиси Якубова Асала Назимджановна “BARAKA OMAD MARKET” МЧЖда бухгалтер-кассир бўлиб ишлаши ва йиллик маоши 33.600.000 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, Ш.Ганиеванинг номига 20.000.000 сўм миқдорида кредит олганлиги, Абдурахмонов Жамшид Пазлитдин ўғли “BARAKA OMAD MARKET” МЧЖда директор ўринбосари лавозимида ишлаши ва йиллик маоши 49.061.056 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, Ж.Абдурахмоновнинг номига 20.000.000 сўм миқдорида кредит олганлиги, Алимов Уткир Шакирджанович “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI O’ZSTANDART AGENTLIGI”да қабул бўлимида администратор ва счётчик рўйхатловчи лавозимида ишлаши ва йиллик маоши 34.869.800 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, У.Алимовнинг номига 22.000.000 сўм миқдорида кредит олишганлиги, ушбу пуллардан 10.000.000 сўмини у олганлиги, қолган 10.000.000 сўмни У.Алимовнинг ўзи олганлиги, қайни акаси Якубов Нодир Назимджанович “OMAD GROUP” МЧЖда администратор лавозимида ишлаши ва йиллик маоши 34.869.800 сўм эканлиги ҳақида қалбаки маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномани “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига тақдим қилиб, Н.Якубовнинг номига 22.000.000 сўм миқдорида кредит олишганлиги, олинган кредит пулларида меҳмонхонани таъмирлаш учун сарфлаганлиги, келишувга кўра кредит пулларида банкка ўзи ёпиши керак бўлганлиги, С.Якубов, У.Алимов ва қолганлар кредит пулларида олган пулларида унга олиб келиб беришганлиги, у барча кредит пулларида ўз вақтида ёпиб юрганлиги, 2020 йилда Пандемия сабабли иши



юришмай кредит пуллари тўлолмайд қолганлиги, Н.Якубов, С.Якубов, А.Якубова, У.Алимов ва Ж.Абдурахмоновлар уларни номига банкдан кредит олинаётганлигини билишганликлари, у уларга барча ҳужжатларни ўзи расмийлаштиришини айтганлиги, шу сабабли уларни номига қалбаки маълумотномалар тайёрлаб, банкка топширганлигини билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, уни оилавий шароитини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Фуқаровий даъвогар вакили Бойматов Пирмуҳаммад Юнус ўғли суд мажлисида, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалида чакана кредитлаш бўлимида бош мутахассис бўлиб ишлаши, Ш.Ганиева, Н.Якубов, С.Якубов, А.Якубова, У.Алимов ва Ж.Абдурахмоновлар билан банк ўртасида кредит шартномалари бўйича ҳозирда 61.238.638,44 сўм қарздорлик мавжудлигини билдириб, судланувчидан кредит қарздорликни ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Ганиева Шахноза Назимджановна суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам, 2019 йилда турмуш ўртоғи унинг номига “OMAD GROUP” МЧЖни ташкил этиб, ушбу МЧЖнинг раҳбари этиб тайинлаганлиги, сўнг ўзлари Чилонзор туманидан жой олиб у ерда “Замона” номли меҳмонхона юритишни бошлаганлиги, турмуш ўртоғи олган бинода бир мунча вақт мобайнида қурилиш ишлари олиб борилганлиги, ушбу қурилиш ишларини амалга ошириш мобайнида турмуш ўртоғи банкдан кредит пуллари олиб қурилишга сарфлаганлиги, 2019 йилда унинг номига ҳам “Саноатқурилиш банк”нинг Олмазор тумани филиалидан 20 млн сўм миқдорида кредит қарздорлигини олганлиги, унга эса номига кредит олаётганлари ҳақида бирон бир гап сўз айтмаганлиги, унга фақатгина банкка бориб, кафил сифатида имзо қўйиб беришни айтганлиги, у имзо қўйган ҳужжатлар МЧЖга тегишли ҳужжатлар деб ўйлаганлиги, у деярли меҳмонхонага бормаганлиги, меҳмонхонани турмуш ўртоғи юритганлиги, турмуш ўртоғи акаларига банкдан кредит олишда кафил сифатида ёрдам беришларини айтганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Якубов Нодир Абдураззакович суд мажлисида, 2019 йил тахминан ноябрь-декабрь ойларида Сирожиддин унга ўзининг телефонида кўнғироқ қилганлиги ва уни Олмазор тумани О.Бобожонов кўчасида жойлашган “Саноатқурилиш банки”га келишини, у ерда куёви ўзининг номига кредит олаётгани, унга кафил бўлиб беришини сўраганлиги, куёви “Меҳмонхона” юритиш учун банкдан кредит олаётган бўлганлиги сабабли, куёвининг айтган манзилидаги банкка борганлиги, шунда куёви Сирожиддин ўзининг дўсти Аъзам билан бирга турган бўлганлиги, у улар билан саломлашганидан сўнг куёви Сирожиддин уни банкка олиб кирганлиги ва банк ходимларидан бири унга ҳужжатларга имзо қўйдирганлиги, куёви унга кафил бўлишини айтганлиги сабабли у имзо қўйган ҳужжатларни ўқиб ҳам кўрмаганлиги, 2020 йил сентябрь-октябрь ойларида уни яшаш манзилига банкдан хат келганлиги, унга кўра уни номига кредит қарздорлиги мавжудлиги, ушбу қарздорликни тўлаши кўрсатилганлиги, шундан сўнг у куёви Сирожиддинга кўнғироқ қилганлиги ва унга “сен менга кафил бўласиз



деган эдинг, нимага менга кредит қарздорлиги бўйича бакндан хат келди”, деб сўраганида, куёви Сирожиддин унга “сиз хавотир олманг, мен ўзим хал қиламан. Ўша вақтда менга пул керак бўлгани, сабабли сизнинг номингизга ҳам кредит чиқартирган эдим”, -деб айтганлиги, кредит олиш учун ҳужжатларни куёви С.Ганиев ўзи тайёрлаганлиги, С.Ганиев иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани қалбакилаштирганлигидан хабари бўлмаганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Алимов Уткир Шакирджанович суд мажлисида, С.Ганиев дўсти Якубов Нодирнинг куёви бўлиши, 2019 йил ноябрь-декабрь ойларида соат тамхинан 18:30 ларда у уйда дам олиб ўтирган вақтида қўл телефонига С.Ганиев қўнғироқ қилганлиги ва унга фуқаролик паспортини олиб, Олмазор тумани О.Бобожонов кўчасида жойлашган “Саноатқурилишбанк”га келишини айтганлиги, С.Ганиев унга меҳмонхона очмоқчи эканлиги, шунга банкдан кредит олаётганлигини айтганлиги, унга кафил бўлишини сўраганлиги, сўнг у уни гапларига рози бўлганлиги, у С.Ганиев айтган манзилдаги банкка етиб борганлиги, уни С.Ганиев ва банк ходимлари кутиб олишганлиги, банк ходимлари унга бир-нечта варақдан иборат бўлган қоғозларни беришганлиги ва унга имзо қўйилиши лозим бўлган жойларни кўрсатишганлиги, сўнг у банк ходимлари кўрсатган жойларга имзо қўйиб берганлиги, сўнг банкдан чиқиб уйга кетганлиги, орадан вақт ўтиб тахминан 2020 йилнинг ёз ойларида уни яшаш манзилига банкдан хат келганлиги, хатда кредитдан қарздорлик мавжудлиги ҳақида кўрсатилганлиги, сўнг у дўсти Якубов Нодирнинг уйига чиққанлиги ва унга бўлиб ўтган ҳолатни маълум қилганлиги, сўнг С.Ганиевга қўнғироқ қилиб унга уйига хат келганлиги ҳақида айтганлиги, С.Ганиев ушбу ҳолатни ўзи тўғирлашини айтганлиги, шу билан анча вақт банкдан хабар бўлмаганлиги, у С.Ганиев ҳал қилган бўлса керак деб ўйлаганлиги, шундан сўнг 2022 йилнинг март ойларига қадар уни уйига тинимсиз хатлар келгани учун С.Ганиевнинг устидан ариза билан мурожаат қилганлиги, кейинчалик С.Ганиев уни кафил бўлиб беринг деб алдаб чақириб, номига 22 млн сўм кредит олганлигини тушунганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Якубова Асала Нозимжон қизи суд мажлисида, 2019 йилда уйига опаси Ш.Ганиеванинг турмуш ўртоғи С.Ганиев келганлиги ва унга кредит олаётганлигини айтиб, ундан кафил бўлишни сўраганлиги, у рози бўлиб поччасига фуқаролик паспортини бериб юборганлиги, орадан 6-7 кун ўтганидан сўнг поччаси уни уйига ҳужжатлар олиб келганлиги ва у поччаси олиб келган ҳужжатларни ўқимасдан туриб имзо қўйиб бериб юборганлиги, сўнг орадан 1-1,5 йил ўтганидан сўнг уни яшаш манзилига банкдан хат келишни бошлаганлиги, хатда унинг кредит қарздорлиги мавжудлиги кўрсатилганлиги, шундан сўнг унинг пластик картасидан кредит учун ойлик маоши ечиб олинishi бошланганлиги, ҳозирги кунда ҳам унинг пластик картасидан ойлиги ечиб олинаётганлиги, шундан сўнг поччаси уни алдаб, уни номига кредит олганлигини тушунганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Абдурахмонов Жамшид Пазлитдин ўғли суд мажлисида, 2019 йил 9 сентябрь куни божаси С.Ганиев унга кредитга пул олаётганлигини



айтиб, шу сабабли унга кафил бўлишни сўраганлиги, у рози бўлганлиги, сўнг С.Ганиев Олмазор туманида жойлашган “Саноатқурилишбанки”га боришини сўраганлиги, шу куни банкка борганлиги, у ерда уни божаси С.Ганиев кутиб олганлиги ва унга фуқаролик паспортини берганлиги, сўнг унга кўчада туришини айтиб, ўзи банк ичига кириб кетганлиги, орадан 10-15 дақиқа ўтганидан сўнг у банкдан қўлида хужжатлар билан чиққанлиги, у С.Ганиев кўрсатган жойларга имзо қўйиб берганлиги, у имзо қўйган хужжатларни ўқиб кўрмаганлиги, сабаби божасига ишонганлиги, сўнг уйга қайтиб кетганлиги, шу билан 2020 йил тахминан октябрь ойларида уни уйига банкдан кредит қарздорлиги мавжудлиги бўйича хат келганлиги, хатни кўриб, С.Ганиев уни номига кредит олганлигини тушунганлиги, сўнг С.Ганиевга уйига хат келганлигини айтганлиги ва нега уни номига кредит олинаётганини айтмаганини сўраганлиги, С.Ганиев унга ўзининг номига кредит чиқмагани, шунинг учун уни номига кредит чиқартирганини, кредит пуллари уйга бўлганлиги, уни уйига бошқа хат келмаслигини айтганлиги, шу билан орадан 1-2 ой ўтиб уни уйига банкдан ходимлар келишни бошлаганлиги, улар С.Ганиев кредит пуллари тўламаганини айтишганлиги, уни пластик картасидан ойлиги ечиб олинаётганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Якубов Санжар Назимджанович суд мажлисида, 2019 йил тахминан ноябрь-декабрь ойларида С.Ганиев унга кўнғироқ қилганлиги ва банкдан кредит олаётганлигини айтиб, уни Олмазор тумани О.Бобожонов кўчасида жойлашган “Саноатқурилиш” банкига келишини сўраганлиги, у ерга келиб, куёви меҳмонхона юритиш учун банкдан кредит олаётганлигини билганлиги, шундан сўнг куёвининг айтган манзилидаги банкка борганлиги, шунда куёви Сирожиддин ўзининг дўсти Аъзам билан бирга турган бўлганлиги, сўнг банкка киришганлиги, банк ходими унга оқ қоғозга имзо қўйдирганлиги, у нима сабабдан бўш қоғозга имзо қўйиб беришини сўраганида, банк ходими иш бошқарувчилар кетишгани, у имзо қўйиб берса ўзлари тўғрилаб қўйишларини айтганлиги, шундан сўнг у оқ қоғозга имзо қўйиб берганлиги ва банкдан чиқиб кетганлиги, С.Ганиев банкда қолганлиги, орадан бир йил ўтиб 2020 йил сентябрь-октябрь ойларида уни яшаш манзилига банкдан хат келганлиги, хатда уни кредит қарздорлиги мавжудлиги кўрсатилганлиги, сўнг у куёви С.Ганиевга кўнғироқ қилганлиги ва унга “сен менга кафил бўласиз деган эдинг, нимага менга кредит қарздорлиги бўйича банкдан хат келди”, деб сўраганида, куёвим С.Ганиев унга “сиз хавотир олманг, мен ўзим ҳал қиламан, ўша вақтда менга пул керак бўлгани учун сизнинг номингизга ҳам кредит чиқартирган эдим”, деганлигини билдириб, кўрсатув берди.

Суд, ушбу жинойт иши юзасидан тўпланган иш хужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи С.Ганиевнинг мазкур



жиноятни содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жиноят иши ҳужжатларидаги кредит шартномалари нусхалари, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари, хатшунослик экспертизалари хулосалари ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Ганиевнинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, яъни “Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани хавфли рецидивист томонидан қўлга киритиш”да ифодаланган жиноят аломатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари, яъни “Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, хавфли рецидивист томонидан содир этилиши”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бирок, судланувчи С.Ганиевнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми, яъни “Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш” жинояти билан ортиқча квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарори 19-бандида “Судларга тушунтирилсинки, қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда содир этилган фирибгарлик, башарти ҳужжат айбдор томонидан тайёрланган ёки сохталаштирилган бўлса, жиноятлар мажмуи тарзида ЖК 168-моддаси ва 228-моддаси биринчи ёки иккинчи қисмлари билан квалификация қилинади. Бошқа шахс томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этган шахснинг ҳаракатлари ЖК 168-моддаси тегишли қисми билан квалификация қилинади ва ЖК 228-моддаси учинчи қисми билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди, чунки бундай ҳолда ҳужжат айбдор томонидан ўз мақсадига эришиш учун алдаш воситаси сифатида фойдаланилган бўлади” деган раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра С.Ганиев томонидан ойлик маоши ҳақидаги маълумотномалар банкдан кредит олиш мақсадида тайёрланган ва банкка тақдим этилган. Бу ҳолатда унинг ҳаракатлари фирибгарлик содир этишнинг бир усули деб ҳисобланиб, мазкур ҳолатда унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси тегишли қисми диспозицияси билан тўлиқ камраб олиниши сабабли, С.Ганиевнинг айбловидан ЖКнинг 228-моддаси 3-қисмини ортиқча квалификация қилинган сифатида чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар



жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи С.Ганиевга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, юқорида кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, С.Ганиев мазкур жиноятни ғаразли ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг айбига тўлиқ иқдорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий ва моддий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, шунингдек унинг шахсини, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, С.Ганиев ушбу жиноятни мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда содир қилганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 3-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида С.Ганиевга жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2017 йил 22 декабрдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшишлик йўли билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 2022 йил 13 октябрдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшишлик йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, судланувчи С.Ганиевдан фуқаровий даъвогар “Саноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиали фойдасига етказилган зарарнинг қопланмаган қисми, яъни 61.238.638,44 сўмни ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:



Ганиев Сирожиддин Абдураззакович (Ganiev Sirojiddin Abdurazzakovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ганиев Сирожиддин Абдураззаковичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ганиев Сирожиддин Абдураззаковичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси тартибида С.Ганиевга тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60, 61-моддаларига асосан С.Ганиевга тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2017 йил 22 декабрдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 5 (беш) йил 9 (тўққиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида С.Ганиевга мазкур ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 2022 йил 13 октябрдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 8 (саккиз) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 23 сентябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи С.Ганиевга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи С.Ганиевдан фуқаровий даъвогар “Саноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиали фойдасига 61.238.638,44 сўм ундирилсин.

Фуқаровий даъвогар “Саноатқурилишбанк” АТБ Олмазор филиалига қолган қарздорлик бўйича фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

З.Нуриддинов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

